

POSSIBILITIES OF USING UBAYDI’S CREATION IN STUDYING THE CONTENT OF PEDAGOGICAL IDEAS

Anvar Ne'matjonovich NUSRATOV¹
Doctorate of Bukhara State University
anvar.nusratov.87@mail.ru

Abstract

The article tells about the life and work of the Bukhara khan Abulgazi Ubaydullo Bakhodirkhan bin Mahmud Sultan, who lived and worked in the 16th century, his unique merits as a representative of science, as well as his achievements as a scientist, poet, hafiz, calligrapher, composer and many other fields of science scientific evidence on.

Key words: Bukhara Khanate, Ubaidi, education, poet, gazelle, science, science, pedagogical thought, culture, social life, upbringing, ethics.

ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАР МАЗМУНИНИ ЎРГАНИШДА УБАЙДИЙ ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Анвар Неъматжонович НУСРАТОВ¹
Бухоро давлат университети
таълим фанлари докторанти
anvar.nusratov.87@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада XVI асрда яшаб ижод этган Бухоро хони Абулғози Убайдулло Баходирхон бин Махмуд Султоннинг ҳаёти ва ижоди, унинг илм-фан намояндаси сифатидаги ўзига хос хизматлари, ҳамда унинг олим, шоир, ҳофиз, хаттот, бастакор ётуқ фан арбоби, кўплаб фан соҳаларига эришган ютуқлари тўғрисида илмий маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Бухоро хонлиги, Убайдий, таълим, шоир, ғазал, илм, фан, педагогик фикр, маданият, ижтимоий ҳаёт, тарбия, ахлоқ.

Бухоро хонлигининг ижтимоий-маънавий ҳаёти, таълим тизими ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти учун улкан хизматлари билан таъсир кўрсатган шайбоний ҳукмдорлардан бири Абулғози Убайдулло Баходирхон бин Махмуд Султондир (Убайдуллохон) у нафақат йирик давлат ҳукмдори, балки олим, шоир, ҳофиз, хаттот, бастакор ётуқ фан арбоби кўплаб илм соҳаларга, бирдек ижод қилишга интилан, исломий фанлар назарияси ҳам ҳисобланади. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихида Убайдуллохоннинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Исмоил Сафавий бошлиқ эронийларнинг, Ҳофиз Таниш Бухорий тили билан айтганда, «қизил бошлар»нинг ҳужумларини дафъ этиб, Мовароуннаҳрни уларнинг истибдодидан сақлаб қолди. Шайбонийхоннинг ўлиmidан сўнг шайбонийлар орасида кейинчалик маълум даражада маънавий парокандалик юз беради. Убайдуллохоннинг ҳарбий маҳорати ва жасорати, унинг давлат арбоби сифатида қаттиққўллиги туфайли сафавийлар қўшини орқага чекинди. Уларнинг Ўрта Осиё шаҳарларини қирғин қилиши, талаши тўхтатилди.

Отаси Махмуд Султон вафотидан кейин (1504 йил) амакиси Шайбонийхон уни Бухорога ҳоким этиб тайинлайди. 1533 йилда эса Убайдуллохон пойтахтни Самарқанддан Бухорога кочиришга мажбур бўлади ва бош хонлик маросимини Бухоро шаҳарида

ўтказди. Ўз номига хутба ўқитади.¹Шундан сўнг у умрининг охиригача-1540 йилгача Бухоро хонлигини бошқаради. Убайдуллохон ўз даврида шариат қонунларини бидъатлардан холи сақлашга катта эътибор қаратди. Уларнинг амалиётини назорат қилиб борди. Унинг илм-фанга бўлган қизиқиши ўлароқ Бухорога кўплаб илм даргоҳлари масжид ва мадрасалар, уларнинг қошида йирик кутубхоналар ҳам барпо этилиб, уларда замонасининг етук олим ва мутафаккирларига диний ва дунёвий илмлар билан шуғулланишлари учун хайрихоҳлик кўрсатди.

Жумладан ўша даврда Бутун Осиёда маълум ва машҳур бўлган Мир Араб мадрасаси, Меҳтар Қосим кўприги, Убайдуллохон мадрасалари ва кўплаб масжид, мактаблар, қорихоналар, кутубхоналар, боғлар ҳамда бошқа бир қатор маъданий-маиший иншоотлар шулар жумласидандир. Убайдуллохон даврга келиб Мовароуннаҳрда адабиёт, фан ва санъат жуда яхши ривожлана борган. Убайдуллохон кутубхонаси жуда катта кутубхоналардан бири бўлган. Ушбу кутубхонанинг йирик қўлёзма асарларидан бири Убайдининг «Тўлиқ асарлар тўплами» бўлиб, у жуда чиройли безалган ва мустаҳкам муқоваланганлиги учун бизнинг давримизгача сақланиб қолган. У ижодкор - шоир сифатида илм-фан, санъат, адабиёт равнақига кенг йўл очади. Хар куни Бухоро шаҳрининг фозил, олим ва шоирларини жамлаб суҳбатлар, мушоиралар уюштиради. Мирзо Ҳайдар ўзининг "Тарихи Рашидий" асарида Убайдуллохон давридаги Бухоро маданий ҳаёти "Бухоро Хирот ва Хусайн Бойкаро замонини эслатади" дея жуда юқори баҳо беради. У ҳадис илмида Хожа Мавлоно Исфаконидан, фикҳда Мавлоно Маҳмуд Азизондан, Куръон қироатини Мавлоно Ёрмухаммад қори каби замонасини пешқадам алломаларининг шогирди бўлган. Шу боисдан бу йуналишлардаги фаолиятида чуқур билим ва асосли далилларга таянганлиги яққол кўзга ташланади. У Куръон қироатида тажвидсиз ўқишни ножоиз санаган. Туркий тилда Куръонга тафсир ёзган. Фикҳга бағишланган рисола ҳам яратган. У етти хил хуснихатда ёза олган. Насх хатини ёзишда маҳорати беқиёс бўлган. Мусиқа илмининг билимдони, чалувчи созанда, куйловчи сифатида замондошларининг тахсинига сазовор бўлган. Убайдуллохон шоир сифатида турк, форс, араб тилларида ижод қилган. Бизга унинг учала тилда яратган асарлари жамланган, 695 саҳифадан иборат "Куллиёт"и етиб келган.²Убайдий тахаллуси билан унинг ўзбек тилидаги девонида 310 дан ортиқ ғазал, 485 дан зиёд рубоий, 21 қитъа, 13

¹Вафо қилсанг (туркий «девон»дан намуналар) А. Ҳайитметов Тошкент «ёзувчи» нашр., 1994. - Б.1

²Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёт тарихи (XVI-XIX АСР I ЯРМИ). Т. Фан, 2009. -Б.76

туяқ ва бошқа шеър турлари — нотма, муаммо, маснавий, ҳикмат, таржеъбандлардан намуналар мавжуд. Бир қанча манбаларда унинг салтанат ташвишлари билан бандлигига қарамасдан, тиришқоқлик билан илм ўрганганлиги, вақтдан ниҳоятда унумли фойдаланганлиги, уни ҳеч беҳуда кетказмагани эътироф этилади. Убайдуллохон серқирра истеъдод, билим ва тафаккур кўламига эга бўлган.

Унинг ижодидан ўрин олган шер, ғазал ва рубоийлар мазмунан сержило ўзининг ҳаётий фалсафаси, теран мантиқга асосланган бўлиб, улар ҳар қандай ўқувчи китобхонларни ижтимоий онгини безосита тарбиялашга хизмат қилувчи дидактик характер касб этади. Фикримизни исботи сифатида қуйидаги шоир томонидан битилган ғазалларни ҳавола этамиз :

**Бир лаҳза кўнгул ўлмади беғам замондан ин
Тўйди замон мендину мен ҳам замондан ин**

* * *

**Зинҳорадабўрганинг, эйаҳлиталаб,
Ким борд урадаб гули саодатқасабаб.
Шайтонки, адабсиз эрди, қолди маҳрум,
Одамниқўрунг, — не ергаётқурди адаб.**

* * *

**Эй дўст, даме бўлмади ғамдин қутулуб,
Мазлум киби зулму ситамдин қутулуб,
Фарёд у фиғону оҳким, бўлмас эмиш, —
Улмайситамуғамуаламдин қутулуб.³**

Шоир томонидан битилган ушбу ғазаллар мазмунидан шуни англаш мумкинки, Убайдуллохон ўз замонасининг дарду ғами, низою фитнасидан озор топанлиги, ҳаёти бир текисда ўтмаганлигини кўрсатиб турибди. У охиқлик ва дарвешликни шохликдан устун кўя олган, Бобурмирзодан сўнг ягона Мувороннаҳрлик шох ва шоир дейишимиз мумкин:

**Гар булса зиёда қайғуга эшлигимиз,
Ғам дастидан беҳудлиги беҳушлигимиз,
Оллоҳга шукр, афзал эрур шохлиқдан,
Эй дарвешлар, ҳамиша дарвешлигимиз⁴**

Ушбу сатрларда у дунёнинг ўткинчилигини, ҳаётнинг мазмун ва мақсадини англашнинг ўзи, ноёб инсоний энг муҳим фазилатлардан эканлигини этироф этмоқчи бўлади. Шунингдек унинг ижодидан ўрин олган бундай сатрлар мазмунида муаллиф шахси унинг ўй – кечинмалари ҳамда давр ижтимоий ва сиёсий муҳити яққол гавдаланади.

³Вафо қилсанг (туркий «девон»дан намуналар) А. Ҳайитметов Тошкент «ёзувчи» нашр., 1994.- Б.32

⁴Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX АСР I ЯРМИ). Т. Фан, 2009. –Б.82

Шунинг учун биз Убайдуллохоннинг ўша мураккабликлар ва зиддиятларга тўла бўлган бир даврдаги фаолиятида амалдорлик ва ҳукмдорликка интилишга нисбатан маънавий камолотга ва ижодга интилиш устун бўлганлигини кўрамиз. Убайдуллахон шерияти ва ижоди масалалари устида кўплаб, тадқиқотлар олиб борган олима, Иқболой Адизованинг такидлашича, шоир ижоди ва шерияти, рубоийнавислигини қуйидаги уч асосий мавзуларда тоифалаш мумкин. 1. Ошиқона, 2. Ахлоқий-дидактик, 3. Орифона йўналишлар. Убайдуллахон ижоди билан яқиндан танишганинг сари “Убайдий” тахаллусида, ижод қилган ҳукмдорнинг нақадар тақводор, донишманд, тасаввуфшунос, комил инсон ғоясининг кўйчиси инсонпарварлик масаласидаги, пандноманависликга, интилган XVI асрнинг забардаст ижодкори бўлганлигига амин бўласан киши. Убайдуллахон рубоийлари, қитъа, шер, ғазал ва маснавийларида таълим тарбия, ҳамда одоб – ахлоқ масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. У дўстлик, имлли бўлиш, садоқат, меҳнаткашлик, ота-онага ҳурмат, ижодкорликка интилиш, нафс иллати, ватанни севиш ва бошқа бир қатор тарбиявий мавзуларда баракали ижод қилди. Убайдуллахон томонидан илгари сурилган бундай мазмундаги ғоялардан бугунги кун ёшлари таълим – тарбияси жараёнида фойдаланиш ўринлидир.

**Ризо ато ва аносин ҳар ўғилким этар,
Худо ризо бўлиб ондин ҳам айлар они қалил.
Олиб насихатини тутса иззатда аларни
Жаҳонда иззати ортиб, бўлур азизу жалил.**

**Уғилким ондин, алар бўлмади ризо, билким,
Ҳамиша оқадур (?) халқ ичинда хору залил.
Далиликим кимки тиласа бу жонға, бор дурур
Худо каломию Ҳазрат ҳадиси анга далил.⁵**

Шоир ижодидаги ушбу қиёда, ота-она ва уни рози қилиш, Худони рози қилиш кабидир, бу эса инсон ахлоқининг ососий мазмуни эканлигига, ишара қилинади. Ёки дўст тутиш, унинг нуқсонларини кечириш инсоний фазилатларнинг энг яхшиси дейди шоир бу каби тушунчалар миллий педагогикамиз мазмунидаги, ахлоқий тарбия катигорияси ва уни бойитиш учун дастуруламалдир. Мисол учун:

**Дўстнинг узрини қабул этмак
Дўстлугнинг улўғ нишони эрур.**

**Кимки қилмас қабул юзри анинг,
Билким, ул дўстнинг ямони эрур.⁶**

⁵Вафо қилсанг(туркий «девон»дан намуналар) А. Ҳайитметов Тошкент «ёзувчи» нашр., 1994.- Б.30

⁶Вафо қилсанг(туркий «девон»дан намуналар) А. Ҳайитметов Тошкент «ёзувчи» нашр., 1994.- Б.29

Шундай қилиб Убайдуллахон ижодининг ўрганилиши лозим қирралари жуда кўп бўлиб, унинг ижоди ҳамда фаолиятини, ўз даврининг илмий педагогик тараққиёти учун кўрсатган шахсий хизматларини, алоҳида бир бутун тадқиқот тарзида ўрганиш муҳимлигини англатади.

References

1. Хасанхожа Нисорий. Музакир ал-ахбоб (Дўстлар ёдномаси) / Форс тилидан Исмоил Бекжон тарж. А.Кодирий номидаги халк мероси нашриети. Т.: 1993.
2. Убайдий. Вафо қилсанг. Тошкент, 1994.
3. Мир Мухаммад Амир Бухорий. Убайдулланом. Т., «ФАН», 1957 .
4. Адизова И.Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX АСР I ЯРМИ). Т., 2009.
5. Валихужаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993.
6. [www. Historiuz](http://www.Historiuz).
7. [www. wostlit. narod.ru](http://www.wostlit.narod.ru)
8. [www. tarih. uz](http://www.tarih.uz).